ЛИРИКАДА БАДИИЙ ОЛАМ ТАЛҚИНИ

Гўзал Умурова
Самарқанд давлат чет тиллар институти, филология фанлари доктори

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада шоира Зулфия шеърияти ҳақида маълумот берилади. Шоира Зулфия шеърларининг мавзу кўлами, образлар олами таҳлил қилинади. Шунингдек, шоира Зулфиянинг поэтик тимсол яратиш махорати шеърлари таҳлили орқали ойдинлаштирилади. Зулфия шеърларининг таҳлили шуни кўрсатадики, шеърларининг руҳи ва оҳангини, мазмуни ва йўналишини, авж пардасини, мақсад, ғоя ва идеалларини умуминсоний фикр ва туйғулар белгилайди. Шу маънода, Зулфия ижодининг ҳароратини таъминлаган омил ҳам ундаги жўшқин ва фаол инсонпарварлик, поэтик тимсол, гўзал туйғулар оламидир. Зулфия лирикаси теран тафаккур ва жўшқин ҳиссиёт вобасталигидан ҳосил бўлган шеъриятдир.Мақолада шоира шеъриятининг айнан шу жиҳатлари ўз ифодасини топган.

Калит сўздар: лирик кечинма, қаҳрамон табиати, мавзу кўлами, образлар олами, поэтик тимсол, мавзу, ғоя.

INTERPRETATION OF THE ARTISTIC WORLD IN LYRICS

Gozal Umurova
Doctor of Philology, Samarkand State Institute of Foreign Languages

ABSTRACT

This article provides information about the poetry of the poetess Zulfiya. The thematic scope of the poems of the poetess Zulfiya, the world of images are analyzed. It is also clarified through the analysis of the poems of the poetess Zulfiya's mastery of creating a poetic image. An analysis of Zulfiya’s poems shows that the spirit and tone, content and direction, climax, purpose, ideas and ideals of her poems are determined by universal thoughts and feelings. In this sense, the factor that provided the warmth of Zulfiya's work is the vibrant and active humanity in her, the poetic symbol, the world of beautiful emotions. Zulfiya’s lyrics are poetry that is the result of deep thought and passionate emotion. These aspects of the poet's poetry are reflected in the article.

Keywords: lyrical experience, the nature of the protagonist, the scope of the theme, the world of images, the poetic emblem, the theme, the idea.

КИРИШ

Зулфия ижоди, у яратган поэтик асарлар ҳозирги ўзбек шеъриятида муайян аҳамиятга моликдир. Шоира Зулфия ижодида хотин-қизлар мавзусининг кўп жиҳатлари теран ёритилиши, севги ва ҳижрон мотивларининг ҳаққоний бадиий тадқиқ этилиши, тинчлик, халқлар дўстлиги ғояларининг анча тасирчан тараннум этилиши таҳсинга сазовор. Маълумки, Зулфия томонидан яратилган асарларида реалистик тасвир тамойиллари кучайганлиги ҳамда поэтик образлар олами кенгайганлигини кўрсатади. Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммоларидан бири санъаткорнинг ўзига хос, бетакрор бадиий оламини ўрганиш бўлиб, бу масаланинг теран атрофлича тадқиқ қилиниши ёзувчининг индивидуал маҳоратини кўрсатишга, унинг адабиётимиз тараққиётидаги ўрнини белгилашга хизмат қилади. Зулфиянинг поэтик фикрлаш тарзини жиддий ўрганиш, унинг асарларидаги образ ва образлиликнинг табиати, характерини яна ҳам тўлароқ очиш ўзбек шеъриятидаги катта бир туркум асарлар моҳиятини тушунишга имкон беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Зулфия шеърияти, шоиранинг поэтик тимсол яратиш, шоира бадиий олами борасидаги маҳоратини Н.Каримов, И.Ғафуров, А.Акбаров, О.Шарафиддинов, Ҳ.Умуров, О.Ҳожиева, М.Улуғова, Н.Жабборов, Д.Тўраев каби адабиётшунос олимларимиз, ижодкорларимиз алоҳида таъкидлаганлар ва Зулфия ижодига юксак баҳо берганлар. Шунингдек, муаллифлигим остида нашр этилган “Шоира Зулфиянинг бадиий олами” [1] номли монографиямизда, “Зулфия лирикасида туйғулар тадрижи” [2], “Зулфия бадиий маҳоратининг баъзи қирралари” [3] каби мақолаларимизда шоира Зулфия бадиий олами ва унинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, Зулфия ижодида кузатиладиган воқеликка янгича эстетик нуқтаи назардан ёндашиш тамойиллари, инсонпарварлик, фалсафийлик, образли фикрлашдаги ўзига хосликлар шоиранинг новаторлик изланишлари билан белгиланишини эътироф этганлар.

НАТИЖАЛАР

Зулфия шеърияти ҳиссий таъсирчанлиги, туйғулари розининг оригиналлиги, мушоҳада ва ифода тарзининг ўзига хослиги билан бетакрордир. Айниқса, ижодининг умумбашарийлиги ва замонавийлигини, асарларида садоқату вафо туйғулари инсонийликнинг бош мезони даражасига кўтарилганлигини кашф этиш ҳамон долзарбдир. Зулфия янги давр аёллар шеъриятининг маншаида туриб XX аср ўзбек адабиётининг аёл шоиралари

поэтик мактабини яратди. Ҳ.Худойбердиева, О.Ҳожиева, Г.Жўраева, Э.Охунова ва яна бошқа кўплаб шоиралар Зулфия ижодининг давомчилари саналадилар. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда муайян шоир шеърларининг алоҳида ўзига хослигини ўрганиш билан боғлиқ қатор муаммолар ва уларнинг натижалари бугунга қадар яхлит ҳолда умумлаштирилмаганлиги кўзга ташланмоқда. Бундан ташқари, Зулфия бадиий олами тур спецификаси – лирик асар дунёси нуқтаи назаридан адабий-назарий жараён сифатида яхлитлаштирилган.

МУҲОКАМА

Эътибор берилса, XX аср ўзбек поэзиясида жаҳон шеърий мактабларининг ўрни ва таъсири беқиёс. Булар адабий алоқаларнинг мустаҳкамланишида ёркин намоён бўлган.

Шоира гўзал ҳаётнинг муайян томонини бадиий тадқиқ қилар экан, у асосий эътиборини инсон қалбида кечаётган зиддиятлар, туйғулар товланишини ифодалашга қаратади. У инсон руҳий оламини ранг-баранг кўриниш вазиятларда бадиий тадқиқ этиб, шу орқали унинг яратувчилик, бунёдкорлик ҳамда борликдаги барча содир бўлган, бўлаётган воқеаларга масъулият ҳиссини оширишга интилади. Шу жиҳатлари билан шоира Зулфия Ҳ.Олимжон шеърларидаги баъзи поэтик ифодаларни лирик тасвир йўналишига сингдириб юборади:

Кеча жимжит: кўп гўзал кеча,
Қарайсану суқинг киради.
Ёнади гул, жилмаяр ғунча,
Еллар ғир-ғир эсиб туради.

Табиат гўзалликларидан беҳад чуқур ҳаяжонга тушуш, ўз туйғуларини табиатдаги товланишлар сурати орқали бериш Зулфия ижодига хос хусусиятлардан биридир. Шоиранинг ҳаёт ҳақидаги фалсафий фикрлари лирик кечинма йўналиши ҳамда табиат тасвири билан ҳамоҳанг теранлашиб, тиниқлашиб боради. Фикр билан туйғу уйғунлиги инсон умрининг абадийликка дахлдорлиги моҳиятини очади:

Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни куйлайман, чекинар аламю
Тунлар тушумдасан, кундуз ёдимда,
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам.

Зулфия маҳоратидаги бундай ўзига хослик унинг тасвир объектини янгича бадиий тадқиқ этиши, у ҳақида янгича фикрлашга интилиши натижасидир.

Шунинг учун ҳам Зулфия анъанавий образлар қаъридан янги-янги маънолар издайди.

Шоира Зулфия ижодининг поэтик олами ва эстетик қарашлари ҳам мазкур жараённинг бир ҳалқасини ташкил этади. Негаки, ижодкор ўз даврининг комил фарзанди. Ўзи яшаб турган ижодий муҳит сувратидан эстетик қарашлари шаклланади. Устозлари бошлаб берган салмоқли ишлар, кейинги авлод назаридан изсиз ўтмайди. Буларни давом эттирганлиги учун бугунги адабий жараён ўзига керакли ва муҳим жиҳатлардан ибрат олишда давом этмоқда.

Гавҳар маржон каби ялтираб турса,
Мени ҳам ўрайди шеърий ҳаяжон!
Қуёшни қаршилаб чиқиб айвонга,
Нурларга кўмилиб юраман шодон [4].

Куз поэтик образ даражасига кўтарилган мазкур парчада лирик қаҳрамоннинг кайфияти шодлик ва хуррамликни акслантирмоқда. Ҳиссий бўёқдорлик бўртиб кўринган ушбу шеър моҳиятида лирик образ – куз зийнати мушоҳада саҳнига олиб чиқилган. Шунингдек, бу мисраларда куз зийнати-поэтик тимсол даражасига олиб чиқилади. Идрок ва тушунча қаърида туйғулар реализми инкишоф қилинади. Шоира бир дам бўлса ҳам ўқувчи олдидаги самимиятини пинҳон тутмайди, аксинча рўй-рост изҳор қилишни мақсад қилади. Булар шеърнинг доимий қоидаларини маромида ифодаланганида аниқроқ кўринади. “Товусдай безанган дарахт боғлари” ташбиҳининг кузга ишораси ўзига хос сифат даражасини юзага келтирган. “Олтин куз” номли шеърнинг кечинма таркибида ўнлаб муқоясаларини оригинал инкишоф қилишга эришган. Жумладан, “нурларга кўмилиб юраман шодон” бирикмасида шоира кайфиятининг рангинлигини, ҳаётга орзулар негизида қарашини, борлиқнинг таскини – умид эканлигини англаш қийин эмас.Зулфия лирик қаҳрамони саҳоват ва ноёб завқ билан яшайдиган инсон. Зулфия асарларида инсонни севиш, ардоқлаш, табиатни, Ватанни эъзозлаш ғоялари билан бирлашиб кетади.

Шоира Зулфия “Салом тансиқ баҳор” шеърида баҳор мавзусига бағишланган шеърида ўз лирик қаҳрамонининг маънавий дунёсини табиат манзаралари тасвири поэтик тимсоллар орқали кенгроқ ёритиб бера олган:

Яна кўк тубида сайрайди қушлар,
Яна ерда кўҳна ям-яшид кўрпа.
Яна тандан кетди мудрашу тушлар,
Яна ёшдай дилда ўйлар минг турфа.

Гар ибора қадим, қофия сийқа,

Аждод ўлмаслигин ҳақиқати бу.
Баҳор дединг – бирдан олам антиқа,
Ва сенда энг ёлқин, тиниқ бу туйғу.

Инсон қалби ва табиат товланишларининг маъноси нозик кузатишлар ва теран фалсафий умумлашмалар учун катта имконият яратади. Баҳор тимсолида шоира лирик қаҳрамон табиат ҳуснини, ҳаёт гўзаллигини, тинчлик, осойишталикни, инсонларнинг қувончини, орзу интилишларини кўради. Айни чоғда баҳор инсоннинг қалб манзараларини кўриш ва кузатиш учун ҳам восита бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, шоира Зулфия ижодида аёлга эҳтиром, онага муҳаббат мавзуси алоҳида ўринга эга. Зулфия ижодининг турли даврларида бу мавзуга қайта-қайта мурожаат этган. Натижада шоиранинг “Она”, “Она кўкси”, “Менинг меҳрибон онагинам”, “Она кўкси” сингари шеърлари вужудга келган. Шоиранинг:

Онам! сенинг иссиқ, азиз жонингни,
Заррадек чоғимдан бошлаб биламан.
Ўзим зарра-ю, лекин қонингни,
Янгилаб жисмингдан ўзни ўзганман.
Сен гул жувон ҳали мендан бехабар,
Булутдай гўдаклар тортди ҳавасинг.
Энди мен сен десам қайноқ, муаттар,
Ҳоврин ҳис қиламан илиқ нафасинг...[5]

Она ва фарзанд муҳаббатини, аёлликнинг ботиний ва зоҳирий қиёфасини очиб берувчи лирик кечинмалар шоира ижодида талайгина.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Зулфия лирикаси теран тафаккур ва жўшқин ҳиссиёт вобасталигидан ҳосил бўлган шеъриятдир. Шоира лирик қаҳрамони кўпда юксак интеллект соҳибаси эканлиги сезилиб туради. У бироз ўйчан, баъзан фалсафий, баъзида эса жиддий ва таъсирчан. Шоира маънавий-руҳий изланишларида, поэтик тимсол яратиш жараёнида ҳис-туйғулар манзараси, кечинма таранглиги, ўткир драматик вазият ва коллизиялар бўртиб туради. Унда макон ва замон чегарасининг қамровлари кенг, ўтмиш, бугун ва келажак воқелиги инсон тақдири, эртаси билан эш тасвирланади.

REFERENCES

1. Умурова Г. Шоира Зулфиянинг бадиий олами. Монография. -Тошкент, “Наврўз”, 2014. - 156 б.
2. Умурова Г. Зулфия лирикасида туйғулар тадрижи // Хорижий филология. – Самарқанд, 2018. – №4.– Б.83-88.
3. Умурова Г. Зулфия бадиий маҳоратининг баъзи қирралари //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2017. – №5. – Б.85-90.
4. Зулфия. Йиллар садоси. – Тошкент: “Адабиёт ва санъат” нашриёти. 1995. 91-бет.
5. Зулфия. Тонг билан шом аро. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2006. 168-б.
6. Маҳмудова Д. Ҳалима.эссе-қисса. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2016.
7. Ғафуров И. Зулфия сиймоси // Шарқ юлдузи, 2015, №1. – Б. 114-120.
8. Шарафиддинов О. Сизни соғиндим, Зулфия опа! – Ижодни англаш бахти. – Т., Шарқ, 2004.
9. Ҳожиева О. Тўрт танҳо.Тошкент, “Ўзбекистон”, 2013.
10. Botirova S. I. (2020). FORMING PATRIOTIC SPIRIT WITHIN PEDAGOGICAL EDUCATION CLUSTER. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8*(10), 200-205.
11. Ботирова Ш. И. (2020). Проблемные аспекты, связанные с применением педагогических технологии и интерактивных методов на уроках. *"Science and Education" Scientific Journal, 1*(7), 465-472.
12. Botirova S. I. (2018). The Role of Artistic Literature In The Spiritual Development of Youth. *Мировая наука, 5*(14), 26-28.